

Худайбердиев С.Т.

Андижон Давлат тиббиёт институти

ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТЛАРДА МОРФОЛОГИК УСЛУБЛАР

Замонавий – ҳозирги вақтга тегишли, бугунги кунда мавжуд бўлган.

Морфологик услублар – клиник материалларни объектив тадқиқот усуллари.

Амалий тиббиётнинг алоҳида соҳаси сифатида Морфология фани ўзининг текширув услубларига эга. Морфологик текширув услубларининг ўзига хос хусусияти – ўрганилаётган объектни, материални визуал кўриш, ўрганиш ва ёзма ифодалашдир. Организмда кечаётган патологик жараёнларни макроскопик ва микроскопик ташхислаш, янги илмий маълумотларни олиш, тўқима ва аъзоларни гистоструктуравий баҳолаш имкониятларини беради. Ёзма ифодалашда вербал белгилар – харфлар, шакллар ва рақамлар ёрдамида адекват – сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқ ва тўлиқ бўлиши таъминланади. Морфологик теширувларни ёзма ифодаланиши патологоанатомлар, врач-лаборантлар, суд-тиббиёти ходимлари, амалий шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилади. Морфологияда илмий текшириш ишларини олиб борилиши, организмни бир бутун ҳолда аъзоларини ва системаларини макроскопик ўрганишга ёки аъзо ва тўқималарни микроскопик ва ультрамикроскопик ўрганишга қаратилади. Инсон организмдаги ҳар бир система, аъзо ёки тўқима ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, алоҳида замонавий морфологик текширув услубларига ҳам эгадир. Тиббиётни замонавий фан ва техника тараққиётидаги ютуқлари билан таъминланиб бориши, бундай морфологик текширув услубларини такомиллашувга олиб келмоқда.

Замонавий морфологик услублар қуйидаги жадвалда умумлаштирилган гуруҳларда ифодаланган:

№	<i>Принципи ва параметрлари</i>	<i>Таркибий турлари</i>
1	Тадқиқот материаллари	1. Тирик пайтидаги (операцион, биопсия, йўлдош) материаллар 2. Ўлгандан сўнг (мурда танасидан олинadиган) материаллар 3. Экспериментал (лаборатория ҳайвонлари) материаллар
2	Тадқиқот объектлари	1. Макроморфологик объектлар (тана, тана қисми- тизимлари, аъзолар, аъзоларнинг айрим қисмлари, тўқималар бўлакчалари) 2. Микроскопик объектлар (гисто- и цитологик микропрепаратлар, хужайра культуралари).

3	Тадқиқот даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бир бутун организм. 2. Система – аъзолар тизими 3. Аъзо 4. Тўқима 5. Хужайра 6. Хужайра ички - ультрамикроскопик 7. Молекуляр
4	Визуализация-кўриш усули	<ol style="list-style-type: none"> 1. Макроморфологик 2. Микроскопик (ёруғлик микроскоплари, электронмикроскопик)
5	Идентификациял аш услублари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Базовий гисто-, цитологик гем-эозин бўёғи 2. Гистокимёвий реакциялар 3. Импрегнация 4. Флюоресценция 5. Иммуногистокимёвий реакция 6. Радиоактив нишон билан белгилаш. 7. Молекуляр биология услуби

Илмий тадқиқотлар, клиник ташхислаш жараёнларида кўплаб морфологик услубларни қўлланишида касалликни структуравий – таркибий асослари аниқланади:

1. Бир бутун организм даражасида – барча системалар ва аъзолар умумлаштирилиб кўрилади. Айнан бу даражада клиник амалиётда беморларни умумий кўруви, патологик анатомия ва суд тиббиётида эса мурдалар умумий холати ўрганилади.
2. Системали – аъзолар тизими даражаси организмдаги алоҳида бир тизимни (юрак-қон томирлари, сийдик ажратиш, хазм тизими кабилар) тадқиқоти бажарилади.
3. Аъзо даражаси – Макроскопик оддий кўз билан бир аъзонинг структуравий тушилиши ўзгаришлари кўриб чиқилади.
4. Тўқима ва хужайралар даражаси – Бунда ёруғлик микроскопияси ўтказилиб, тўқимадаги хужайралар ва хужайралараро моддадаги ўзгаришлар кузатилади.
5. Хужайра ички - ультрамикроскопик даража - Электрон микроскопия билан хужайралар ва хужайралараро моддадаги ультраструктур ўзгаришлар тадқиқоти амалга оширилади. Патологик жараёнларнинг бошланғич босқичларида аниқлаш, ўрганиш имконияти мавжуд.
6. Молекуляр даража - Электрон микроскопия, цитокимёвий, радиоавтография, иммуногистокимёвий ва бошқа услубларни ҳамкорликда қўлланилиши натижасида

структур-биокимёвий ўзгаришларни аниқлаш, касалликларни бошлагич босқичларида аниқлаш ва келгусидаги жараёнларни прогнозлаш мумкин бўлади.

Замонавий тиббиётда фойдаланилаётган жуда кўп диагностик-текширув усуллари ҳам морфологик текширув услубларига (тадқиқот турига, материалига, объектига ва даражасига) асосланган. Улардан айримларини мисоллар тарзида келтирамиз:

- Ультратовуш текшируви (УТТ) ички аъзоларнинг ультратовуш тўлқинлари асосида экранда шакли, тузилишини кўрсатади.

- Рентгенография эса рентген нурланишлари ҳисобига аъзоларни тузилишидаги ўзгаришларни акс эттиради.

- Компьютер томографияси ҳам рентген текширувининг ўта нозик ва мукамал ҳолдагиси сифатида қараш мумкин.

- Магнит-резонанс томография (МРТ) ёки Ядро-манитли резонанс (ЯМР) текширувлари аъзоларни структуравий тузилиши ўзгаришларини юқори аниқликда магнит майдони қўлланиши билан кўрсатади.

- Радионуклидли усул – Маълум бир аъзони қон билан таъминланишига асосланган ҳолда, вена қон томирига индикаторлар юбориш билан ўсмалар тузилиши, шакли, катталиги ва метастазларини аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Автандилов Г.Г. Медицинская морфометрия. - М.: Медицина, 1990.— С. 384 - 386.
2. Лакин.Г.И. Биометрия - М.: Медицина, 1992.— С. 234 -236.
3. Худойбердиев Р. И., Заҳидов Х. З., Аҳмедов Н. К., Алявия Р. А. Одам анатомияси. - 1993. Тошкент.
4. Sagatov T.A.Mirsharapov U.M. «Odam anatomiyasi» Toshkent, 2011.
5. Zufarov K.A. Gistologiya.Toshkent, 2005
6. [Anatomy of the Human Body](#). University of Washington. Seattle. 2004.
7. Баходиров Ф.Н., Олимхўжаев Ф.Х. Абу Али ибн Синонинг одам анатомияси фани ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси. Тошкент. – 2001.
8. Олимхўжаев Ф.Х., Шевердин В.А. Бош ва орқа мия ўтказув йўллари. Тошкент. -1998.
9. [Atlases of the Brain](#). Steven Voron, M.D. University of Utah, 2004.
10. [Atlas of Human Anatomy in Cross Section](#). prof.Ronald A.Bergman. PhD.
11. [Anatomy Tutorials](#). University of Philadelphia. 1997